

**“НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
2-СОН БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган сана: 2024 йил “ 7 ” март
Баённома тузилган сана: 2024 йил “ 7 ” март
Йиғилиш ўтказилган вақт: Соат 11:00 дан 13:00 гача
Мажлис ўтказилган жой: Навоий вил., Навоий ш., Навоий кўчаси, 27-уй

Йиғилиш раиси Б. Б. Ходжаев – Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоси

Акциядорлар “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти акциядорлари (2024 йил 4 март ҳолатига тузилган акциядорлар реестрига асосан)

Таклиф этилганлар: “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ходимлари:
Қ.С. Санақулов, А.Ф. Равшанов, Қ.Х.Тапаров, М.Р. Хаитова, У.Х. Қодиров, Р.Ф. Авезов.

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – “НКМК” АЖ) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига (кейинги ўринларда – Йиғилиш) Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, “НКМК” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси – Б.Б. Ходжаев раислик қилди.

Йиғилиш “НКМК” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 14 февралдаги 1-сонли мажлиси қарорига асосан ўтказилди.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан 2024 йил 4 март ҳолатига “НКМК” АЖ акциядорлари реестрига мувофиқ, овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар эгалари рўйхати тақдим этилган.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, овоз берувчи акцияларга эга бўлган 2 та акциядор рўйхатдан ўтди:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – 14 700 000 000 дона оддий акция ёки 98,0 фоиз.

2. Давлат активларини бошқариш агентлиги – 300 000 000 дона акция ёки 2,0 фоиз.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Умумий овоз берувчи акцияларнинг **100 фонзи** катнашганлиги сабабли, кворум мавжуд.

“НКМК” АЖнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони 15 000 000 000 тани, йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони 15 000 000 000 тани ташкил этади.

Йиғилиш раиси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва акциядорлар томонидан кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “НКМК” АЖ акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котибини сайлаш.

2. “НКМК” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти, саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

3. “НКМК” АЖнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида.

4. “НКМК” АЖ Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш.

5. “НКМК” АЖнинг “Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида”ги қарори матнига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

1. Йиғилиш раиси ва котибини сайлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига мувофиқ, йиғилиш раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, “НКМК” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси – Б.Б. Ходжаев ҳамда йиғилиш баёнини юритиш учун йиғилиш котиби этиб, “НКМК” АЖ Корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи – С. Муртазаев номзодини сайлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича овозга қўйилган қарор:

Йиғилиш раиси этиб Б.Б. Ходжаев ва котиби этиб С.Н. Муртазаев сайлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қилади:

Йиғилиш раиси этиб Б.Б. Ходжаев ва котиби этиб С.Н. Муртазаев сайлансин.

2. Йиғилиш регламенти, санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилиш регламенти қуйидаги тартибда белгиланиши йиғилиш иштирокчиларига таклиф этилди:

- мажлис кун тартиби бўйича асосий маърузалар – 15 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича саволлар ва баҳслар – 10 дақиқагача;
- ҳар бир саволдан кейин мунозараларда нутқ сўзлаш – 5 дақиқагача.

Шунингдек, Йиғилиш Санок комиссиясини қуйидаги таркибда сайлаб олиш таклиф этилади:

- Давронов Элшодбек Маҳмуд ўғли – санок комиссияси раиси;
- Иткина Диана Маратовна – санок комиссияси аъзоси;
- Камалбайев Соҳиб Сапармуратович – санок комиссияси аъзоси.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича овозга қўйилган қарор:

1. Йиғилиш регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

- мажлис кун тартиби бўйича асосий маърузалар – 15 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича саволлар ва баҳслар – 10 дақиқагача;
- ҳар бир саволдан кейин мунозараларда нутқ сўзлаш – 5 дақиқагача.

2. Йиғилиш Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Давронов Элшодбек Маҳмуд ўғли – санок комиссияси раиси;
- Иткина Диана Маратовна – санок комиссияси аъзоси;
- Камалбайев Соҳиб Сапармуратович – санок комиссияси аъзоси.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қилади:

1. Йиғилиш регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

- мажлис кун тартиби бўйича асосий маърузалар – 15 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича саволлар ва баҳслар – 10 дақиқагача;
- ҳар бир саволдан кейин мунозараларда нутқ сўзлаш – 5 дақиқагача.

2. Йиғилиш Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Давронов Элшодбек Маҳмуд ўғли – санок комиссияси раиси;
- Иткина Диана Маратовна – санок комиссияси аъзоси;
- Камалбайев Соҳиб Сапармуратович – санок комиссияси аъзоси.

4. “НКМК” АЖ Уставининг янги тахририни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан, “НКМК” АЖ Бош юрисконсулти М.Р. Хаитова сўзга чикиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ-422-сон қарори билан мувофиқлаштириш ҳамда устав капиталини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиришларни киритиш мақсадида “НКМК” АЖ Уставининг янги тахрири ишлаб чиқилганлигини маълум қилиб, кун тартибидаги масалани овозга қўйишни таклиф қилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

4.1 “НКМК” АЖ Уставининг янги тахрири 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.2 “НКМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санақулов “НКМК” АЖ Уставининг янги тахририни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қилади:

4.1 “НКМК” АЖ Уставининг янги тахрири 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.2 “НКМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санақулов “НКМК” АЖ Уставининг янги тахририни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. “НКМК” АЖнинг “Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида”ги қарори матнига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Б. Ходжаев сўзга чикиб, “НКМК” АЖ устав капиталини камайтирилиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 январда Р0968-сон билан рўйхатга олинган “НКМК” АЖнинг “Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида”ги қарори матнига тегишли ўзгартириш киритиш лозимлигини таъкидлаб, кун тартибидаги масалани овозга қўйишни ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш ваколатини “НКМК” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Б. Б. Ходжаев тақдим этишни таклиф қилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

5.1. "НКМК" АЖнинг "Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига ўзгартиришлар матни 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.2. "НКМК" АЖнинг "Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш ваколати "НКМК" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Б. Б. Ходжаевга тақдим этилсин.

5.3. "НКМК" АЖ Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санақулов "НКМК" АЖ Уставининг янги таҳрири ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин "НКМК" АЖнинг "Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига ўзгартиришлар матнини ваколатли давлат органи томонидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

Овоз бериш натижалари:

"Рози" – 100%; "Қарши" – Йўқ; "Бетараф" – Йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қилади:

5.1. "НКМК" АЖнинг "Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига ўзгартиришлар матни 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.2. "НКМК" АЖнинг "Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш ваколати "НКМК" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Б. Б. Ходжаевга тақдим этилсин.

5.3. "НКМК" АЖ Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санақулов "НКМК" АЖ Уставининг янги таҳрири ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин "НКМК" АЖнинг "Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига ўзгартиришлар матнини ваколатли давлат органи томонидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилди.

Умумий йиғилиш раиси Б. Б. Ходжаев томонидан иштирокчиларга миннатдорчилик билдирилиб, умумий йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Мазкур баённома 2024 йил 7 мартда имзоланди.

Умумий йиғилиш раиси



Б. Б. Ходжаев

Умумий йиғилиш котиби



С.Н. Муртазаев